

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 551-ҳадис

59- **Бирор нарса берармикан, дейишдан юз ўгиришга тарғиб**

59-Боб

Ўз касби орқали ейиш ва тиланчиликдан сақланиш ҳамда одамлар бирор нарса берармикан, дейишдан юз ўгиришга тарғиб

Бирор нарса берармикан, дейишдан юз ўгиришга тарғиб

Аллоҳ таоло: «**Энди қачон намоз адо қилинган, ерга тарқалиб, Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан (ризқ рўз) истайверинглар**» (Жумъа сураси, 10-оят), деб айтган.

551 - Бирор нарса берармикан, дейишдан юз ўгиришга тарғиб

1. Абу Абдуллоҳ Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бировингизнинг арқонларни олиб, кейин тоққа келиб, ортида бир боғлам ўтин олиб келиб сотгани ва бу билан Аллоҳ унинг шаънини сақлагани беришса -беришмаса, одамлардан тиланганидан яхшироқдир», дедилар».

Имом Бухорий ривояти.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI